


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 7 ноябрь, № 216 (6146) Жума


# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Ҳурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда юртимиздаги барча темир йўл ходимларини мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон темир йўллари ўзининг 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг барча минтақаларини ишончли боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби ҳаётий зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Агарки мана шундай темир йўллар бўлмаса, биз қандай ҳаёт кечиришимиз, иқтисодиётимизни қандай ривожлантириш мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўларди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон замини бўйлаб Буюк Ипак йўли ўтган ва бу ҳудудда кўплаб савдо йўналишлари туташган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари амалга оширилган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган салмоқли транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Мамлакатимизда темир йўл транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, темир йўл ташувларининг ишончлилик ва хавфсизлик даражасини ошириш бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида қайд этиш зарур. Кейинги йилларда темир йўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан 1 минг 100 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1000 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Ана шундай катта ишларимиз натижасида темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар республикамизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган “Навоий — Учқудуқ — Нукус — Султон Увайстоғ” ва “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизни узоқ истиқболни кўзлаган ҳолда, барқарор ривожлантириш йўлида стратегик аҳамиятга эгадир.

Японияning Халқаро ҳамкорлик банки иштирокида мураккаб табиий ва иқлим шароитларида барпо этилган, денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликда жойлашган тоғ довони орқали ўтадиган 223 километр узунликдаги “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” янги темир йўли моҳият эътибори билан Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб иншоот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда “Мароқанд — Қарши” ва “Қарши — Термиз” темир йўл тармоқларини электрлаштириш борасидаги ишлар ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий минтақаларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштириш учун, ҳеч шубҳасиз, катта имкониятлар очади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини шакллантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларимизнинг даромадлари ва моддий фаровонлигини ошириш учун шароит яратишга қандай муҳим ҳисса қўшишини, ўйлайманки, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Биз транспорт коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот, яъни 19 километрлик темир йўл тоннелини ўз ичига оладиган “Ангрен — Поп” йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғини хитойлик ҳамкорларимиз билан биргаликда барпо этишга катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қарамоқдамиз.

Ушбу темир йўл тармоғининг 2016 йил июль ойида ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг марказий қисми билан ишончли тарзда боғлашга имкон яратади, республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказади, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Транспорт хизматларининг даражаси ва сифатини оширишда темир йўл паркининг ҳаракатланадиган таркибини энг замонавий, юксак самарали локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан янгилаш бўйича ишлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина сўнгги ўн йилда 38 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташиш тепловози сотиб олинди, 150 та локомотив модернизация қилинди.

Испаниянинг “Талго” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган “Афросиёб” электропоезди Ўзбекистоннинг ғурур-ифтихори ҳисобланади. Шуни айтиш жоизки, бундай поездлар дунёнинг атиги саккизта мамлакатида мавжуд. Бугунги кунда ушбу поезд ҳар куни “Тошкент — Самарқанд — Тошкент” йўналиши бўйича 344 километрлик масофани, борйўғи, икки соатда босиб ўтмоқда. Бу эса одамларимизнинг ана шу транспорт турига бўлган муносабати ва қарашларини тубдан ўзгартирмоқда.

Юртимизда 11 та янги темир йўл вокзали барпо этилиши ва 7 та вокзалнинг реконструкция қилиниши натижасида улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мазкур вокзаллар йўловчиларга энг юқори халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганини қайд этиш лозим.

Ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва тегишли инфратузилмаларни ободонлаштиришга 6 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Компаниянинг йўл хўжалиги, “Ўзтемирйўлйўловчи” очиқ акциядорлик жамияти йўловчилар ташиш бўлинмаси ва “Ўзтемирйўлконтейнер” юк ташиш тузилмаси, шунингдек, қурилиш ташкилотлари ва бошқа таркибий қисмлари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Компания ташкил этилган кундан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш эса 1,3 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1 миллиард 400 миллион тонна юк ташилгани ва 350 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани унинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи, Қуюв-механика заводи, “Ўзтемирйўлмаштаъмир” унитар корхонаси каби саноат корхоналари ҳақли равишда компаниянинг байроқдорлари ва ифтихори ҳисобланади. Улар Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бошқа етакчи хорижий компанияларнинг замонавий асбоб-ускуналари ва янги авлод технологик тармоқлари билан жиҳозлангани, айниқса, эътиборлидир.

Мазкур корхоналарда локомотив ва йўловчи вагонларини таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида ўзимизнинг вагонсозлик саноатимизга муваффақиятли асос солинди ва бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди.

Ўз таркибида юқори малакали 70 минг нафар инженер-техник ходимлар ва мутахассисларни, йўлсозлар, машинистлар, саноат ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган аҳил меҳнат жамоаси компаниянинг бебаҳо бойлиги, олтин фонди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, билим ва тажрибангиз халқимиз орасида юксак обрўэътиборга эга бўлиб, ҳар томонлама ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Барчамизга аёнки, компаниянинг, бутун темир йўл тармоғининг келажаги, аввало, соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқдир. Юртимиздаги олтита касб-ҳунар коллежи ва Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини ҳар йили уч мингдан зиёд ёш мутахассислар аниқ касб йўналиши бўйича битириб чиқиб, ҳаётга йўлланма олаётгани мамлакатимиз темир йўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда темир йўлчилик касби мамлакатимизда ёшлар ўртасида қизиқиш ва талаб энг катта бўлган, шарафли касбга айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнақи ва фаровонлигига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдириб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман. Сизларга ва оилаларингизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# Мамлакатимиз тараққиёти ва қудратининг тимсоли





*Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий салоҳияти юксалишида транспорт коммуникациялари, айниқса, темир йўллар беқиёс аҳамиятга эга. Зеро, “пўлат излар” ётқизилган манзилларга тараққиёт ҳам кириб бориб, бу жойда фаровонлик, ободлик, маданий ва маърифий юксалиш ҳукм суради. Шу боис Ўзбекистонимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб транспорт тизимининг муҳим бўғини — темир йўлларни ривожлантириш, янги линиялар қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Президентимиз ташаббуси билан бундан 20 йил муқаддам “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясининг ташкил этилиши эса мазкур тизимда тамомила янги даврни бошлаб берди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида ҳар бири мўъжизаларга қиёсланаётган янги темир йўл линиялари барпо этилиб, улар том маънода иқтисодиётимизнинг асосий қон томирларига айланди. Бугунги кунда барча транспорт турларида юк ва йўловчи ташишлар жами ҳажмининг катта қисми темир йўл тармоғи улушига тўғри келаётгани бунинг яққол далилидир. Бошқача айтганда, юртимиз аҳолисининг халқ хўжалиги маҳсулотлари ва йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилиб, ўтган давр ичида 1,4 миллиард тонна юк ҳамда 350 миллион нафар йўловчи ўз манзилларига етказиб қўйилди.

Кеча “Туркистон” санъат саройида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясининг ташкил этилганига йигирма йил тўлиши муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз темир йўлчилари, компания тизимидаги корхона ва ташкилотлар, турли вазирлик ҳамда идоралар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси жамоасига йўллаган табригини ушбу компания бошқаруви раиси А. Раматов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



# ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЛАРГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТМОҚДАЛАР

*6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар амалдаги қонун ҳужжатларига жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этишдан бошланди. Ушбу қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг атамалари ва ҳуқуқий нормаларини бир хилда қўллаш ҳамда тегишли органлар томонидан улар турлича талқин қилинишининг, мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилди. Тузатишлар “Метрология тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунларга киритилмоқда.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳасида, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилларининг мураккаблашувини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг зиммасига янги мажбуриятлар ва жавобгарликлар юкланишини назарда тутувчи қонун ҳужжатлари, улар расман эълон қилинганидан камида уч ой ўтгач кучга кириш муддати белгилаб қўйилмоқда. Давлат органлари тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт.

(Давоми 2-бетда).

# Экоҳаракат конференциялари давом этмоқда

*Шу кунларда Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳудудий бўлинмаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича республика конференциясига делегатлар сайлаш конференциялари бўлиб ўтмоқда.*

САЙЛОВ — 2014

Конференцияларда қайд этилганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, атроф-муҳит муҳофазаси, экологик барқарорликни таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Мазкур ислоҳотларда давлат муассасалари билан бир қаторда, фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол қатнашиб келаётир. Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик лойиҳаларни рўёбга чиқаришда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик механизми тобора кенгайиб бораяпти. Бу борада экология ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ўз атрофида бирлаштирган Ўзбекистон экологик ҳаракати тузилгани муҳим аҳамият касб этди.

Қашқадарё вилоятида ўтказилган конференцияда Экоҳаракатнинг 367 нафар фаоли қатнашди. Улар сафида ҳудуднинг барча туманларидан табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари мутахассислари, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим соҳаси ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ вакиллари борлиги эътиборга молик.

Тадбирда бугунги кунда экологик барқарорликка эришиш тобора долзарблашиб бораётгани таъкидланди. Шунинг учун делегатларни сайлаш қаторида атроф-муҳит муҳофазасининг ташкилий-ҳуқуқий асосини янада маромига етказишга доир устувор масалалар кўриб чиқилди.

— Республика конференциясига сайланган ҳар бир делегатдан катта масъулият талаб этилади, — деди Қарши давлат университети доценти Туроб Тилявов. — Жумладан, улар ўз олдига нафақат ҳудудий, балки минтақавий ва глобал экологик муаммоларга оид аниқ ғоя ҳамда мақсадлар, режа ва дастурларни қўйиши керак.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакатимиз тараққиёти ва қудратининг тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида истиқлол йилларида темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, янги йўлларни қуриш орқали транспорт йўлакларини кенгайтириш тараққиётнинг муҳим ва стратегик йўналишларидан бирига айланди. Натижада тарихий Буюк Ипак йўлининг узундан-узоқ карвонлари ўрнини замонавий транспорт-коммуникация тизимлари, хусусан, темир йўллар эгаллай бошлайди. Янги темир йўл линиялари билан бирга, кўзни қувонтирадиган муҳташам иншоотлар, жаҳон андозаларига тўла мос келадиган кўркам станция ва вокзаллар қад кўтармоқда. Бир эътибор қилинг-а: ўтган давр ичида 1,1 минг километр янги йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 3,8 минг километр узунликдаги темир йўллар қайта тикланди ва 1000 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Шунингдек, 11 янги вокзал қурилиб, 7 таси эса қайта таъмирланди. Саноат корхоналарида хорижий инвестициялар жалб қилинган ҳолда, истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли 2,1 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Буларнинг барчаси темир йўлчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир. Бу “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси тизими вакиллари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ўтган йиллар мобайнида тизимда фаолият юритиб келаётган юзлаб мутахассис, инженер-техник ходимлар, йўлсоз ва машинистлар Ватанимизнинг юксак унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳам борлиги қувонарлидир.

Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган Фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорти тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун соҳанинг яна бир гуруҳ вакиллари фахрий унвонлар ҳамда орден ва медаллар билан тақдирланди.

Тадбирда юксак мукофотлар ўз соҳибларига тантанали равишда топширилди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон темир йўллари жаҳонга юз тутди. Босқичма-босқич олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва модернизациялаш ишлари ҳақли равишда барчанинг ҳавасу ҳайратига сабаб бўлмоқда. Амударё узра қад ростлаган муҳташам кўприк ана шундай улкан лойиҳалар сирасига киради. Ушбу маҳобатли иншоот Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини боғлаб, пойтахтимиздан Оролбўйи минтақасига қатновчи поездларнинг ҳаракат вақтини 5,5 соатга, масофани эса 300 километрга қисқартириш имконини берди.

Умуман олганда, мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг чинакам намойиши бўлган шу



каби кўплаб лойиҳалар, хусусан, “Навоий — Учқудуқ — Нукус — Султон Увайстоғ”, “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” линиялари қурилиши муваффақиятли амалга оширилди. Пировардида тизимдаги фойдаланиладиган умумий темир йўлларнинг узунлиги 6,5 минг километрга етказилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 21 декабрда имзоланган “2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори соҳа тараққиётини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимиз темир йўлчилари Марказий Осиёда биринчи бўлиб, 270 километр тезликда ҳаракат қиладиган замонавий поездлардан фойдаланиш учун мўлжалланган “Тошкент — Самарқанд” темир йўлини барпо этдилар.

2011 йилнинг 26 август санасида “Afrosiyob” тезюрар поезди пойтахтимиздан Самарқанд сари биринчи қатновни амалга оширди. Ундаги замонавий шароитлар, сервис хизматлари ва қулайликлар нафақат юртдошларимиз, балки хориждан ташриф буюрган меҳмонларни ҳам ҳайратга солиб келмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон шундай тезюрар поездларга эга дунёнинг саноқли давлатлари сафидан жой олди.

Темир йўлчиларимиз бугун наинки бунёдкорлик жабҳасида эришган муваффақиятлари, балки мамлакатимизда оғир машинасозлик ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссаси билан ҳам фахрлана олишади. Чунки компания тизимидаги заводларда бир неча турдаги йўловчи ва юк вагонлари ишлаб чиқариш, импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Япония халқаро ҳамкорлик жамғармаси инвестициялари жалб этилган ҳолда, Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи ишга туширилганлиги бунга яққол мисолдир. Бу ерда йилига ўртача 50 та вагон ишлаб чиқарилиб, 100 та йўловчи вагони таъмирланади.

Ўтган йили Қуюв механика заводида юксак технологияли янги ишлаб чиқариш мажмуасининг фойдаланишга топширилиши эса нафақат компания, балки республикамиз саноат корхоналарининг қуюв маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, ҳатто экспорт қилиш имкониятини яратди.

Локомотивлар паркини янгилаш ишлари ҳам доимий эътибордаги масаладир. Охирги ўн йил мобайнида халқаро стандарт ва талабларга тўла жавоб берадиган 38 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи тепловози харид қилиниб, ҳаракатдаги таркиб янгиланди. Бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш кўламини тобора кенгайтириш, сифатини тубдан яхшилашда муҳим омил бўлаётир.

Айни кунларда Ўзбекистонимизнинг ягона мустақил темир йўл тизимини яратишнинг якуний босқичи бўлмиш Фарғона водийсини мамлакатимизнинг қолган ҳудудлари билан боғловчи, электрлаштирилган “Ангрен — Поп” темир йўли қурилиши жадал олиб борилаяпти. Кўлами жиҳатдан жуда улкан ва ўта ноёб бўлган мазкур лойиҳа доирасида умумий узунлиги 19 километрлик темир йўл туннели қурилади. Темир йўлчиларимизнинг ғайрат-шижоати, фидокорона меҳнати натижасида бугунги кунга қадар 35,5 миллион куб метр тупроқ ишлари, шу жумладан, 11,3 миллион куб метр қазиш ва портлатиш тадбирлари бажарилди. Айни чоғда 204 та сунъий иншоот, 11 кўприк, 3 та йўлўтказгич ва 82 километр темир йўл қурилиши ниҳоясига етказилди.

Шу билан бирга, туннелнинг асосий қисмида 5,5 километр узунликдаги ўтиш йўллари қурилиб, 1,4 километрлик участкада қурилиш ишлари якунланди. 2016 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган мазкур йирик лойиҳа, ҳеч шубҳасиз, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг асосий қисмларидан бирига айланади.

Маросимда сўзга чиққан “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси Хикматилло Салиев, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Фируза Каримова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммадали Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ва бошқалар мамлакатимиз темир йўл тармоғини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиётимизни янада тараққий эттириш, юртимизнинг чекка ҳудудларига ҳам саноатни олиб кириш ва обод этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ушбу эзгу мақсад йўлида бутун борлиғини бахш этиб, меҳнат қилаётган касб соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

# Депутатлар қонунларга тузатишлар киритмоқдалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ахборотнинг очиқлиги қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва тарқатиш орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратишга берилаётган улкан эътиборнинг яна бир ишончли далилидир. Қонун лойиҳасида лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятидаги ҳужжатларни бериш механизмларини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароит яратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мажлис кун тартибига қонун лойиҳалари биринчи ўқишда ҳам киритилди. Хусусан, қонунчилик ташаббуси тартибида Олий суд томонидан киритилган “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мажлисда таъкидланганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишига ва процессуал ҳаракатларнинг аниқ доиралари белгиланишига, томонларнинг тенглик ва тортишиш принциплари бундан буён ҳам рўёбга чиқарилишига, суд ишларининг тўлиқ, ҳар томонлама ва пухта кўриб чиқилишига ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг сифати оширилишига кўмаклашади.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ва тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга қаратилган. Тузатишлар “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Солиқ кодексларига киритилмоқда.

Депутатлар солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасига катта эътибор қаратдилар. Тузатишлар “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар** таъкидладиларки, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини яхшилаш имконини беради. Жумладан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига киритилаётган тузатиш микрофирма ва кичик корхоналар ходимларининг энг юқори сонини, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ишга қабул қилинган тақдирда, 20 фоиздан 50 фоизгача оширишни назарда тутади. Парламент аъзоларининг фикрича, ушбу ўзгартиш микрофирма ва кичик корхоналарни ёш мутахассисларни ишга қабул қилишга рағбатлантириш имконини беради.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари молия ҳисоботини электрон ҳужжат шаклида тақдим этиши, улар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни олти ой мобайнида тўлашига доир ягона тартиб ўрнатилиши назарда тутилмоқда. Умуман олганда, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларининг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши 2015 йилга мўлжалланган Солиқ сиёсати концепциясини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратади.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари** ушбу қонун лойиҳасининг нормалари янги иш ўринлари ташкил этилишига ва аҳоли бандлиги янада оширилишига кўмаклашишини алоҳида қайд этдилар. Солиқ солиш юзасидан хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган имтиёзлар, айниқса, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик соҳасида иш билан таъминлашнинг турли шаклларини самаралироқ жорий этиш имконини беради. Бу партиянинг иш билан банд бўлмаган аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни, аёлларни ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш орқали меҳнат бозорида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир дастурий мақсадлари ва вазифаларига тўлиқ мос келади.

Бундан ташқари, депутатларнинг фикрича, Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартишлар пенсияларнинг (шу жумладан, стажи тўлиқ бўлмагандаги пенсияларнинг) энг кам базавий миқдорларини бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш учун ёшга доир пенсиянинг энг кичик миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгилашни кўзда тутмоқда.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакилларининг** фикрича, ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар ва қоидалар партиянинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги мақсадлари ҳамда вазифаларига ҳамоҳанг бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга кўмаклашади. Шу билан бирга, фракция аъзолари таъкидладиларки, Солиқ кодексига киритилаётган тузатишлар қатъий ставка бўйича солиқ солинадиган даромадларнинг алоҳида турлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушланган суммалари ва тўланган даромадлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш заруратини бекор қилиш орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштиришни назарда тутмоқда. Ушбу ўзгартишларнинг киритилиши ҳисоботни топширишда солиқ маъмуриятчилиги учун сарфланадиган харажатларни камайтириш, умумий йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатиладиган маълумотлар такрорланишининг олдини олиш имконини беради.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан сўзга чиққанлар** киритилаётган ҳуқуқий нормалар катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Хусусан, “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунда мансаб даражаларига (ҳарбий унвонларга) эга судьялар ва прокуратура органлари ходимларининг пенсиялари миқдорини ИИВ ходимларининг пенсияларини ҳисоблаш сингари аниқлаш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мансаб даражаларига эга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларини, шунингдек, прокуратура органлари ходимларини хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан тўланадиган даромаддан олинадиган ягона тўловдан озод этишни назарда тутувчи ўзгартиш киритиш назарда тутилмоқда. “Адолат” партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, киритилаётган тузатишлар кейинги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми ҳисобланади.

**Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган айрим турдаги товарларни ишлаб чиқарувчилар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этишни, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаб чиқиш тартибини ҳар чоракда эмас, балки бир йилда бир марта белгилашни назарда тутаётганлигига эътибор қаратдилар. Шу билан бир қаторда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бюджет маблағларини ўзлаштиришда ҳуқуқий қоидабузарликларнинг олдини олиш учун қулайроқ шарт-шароит яратиш имконини беради.

Депутатлар моддама-модда ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда ушбу қонунни якуний таҳрирда қабул қилдилар. Ҳужжат Олий Мажлис Сенатига юборилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

## САНЪАТ

*Пойтахтимизда “Competizione dell‘Opera” итальян операси ёш ижрочиларининг XIV халқаро танловига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

# Тошкент — халқаро танловга мезбон

Мазкур нуфузли танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Австриядаги “Competizione dell‘Opera” халқаро танлов уюшмаси, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда ёш истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий санъатимиз турларини янада ривожлантириш ҳамда унинг ютуқларини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, санъаткорларимиз йирик ижодий учрашувлар, халқаро танлов ва фестивалларда муваффақиятли қатнашиб, хорижлик санъат мухлисларини миллий ва жаҳон опера санъатининг жозибасидан баҳраманд қилиб келишаяпти.

Жорий йилнинг 23 — 29 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ушбу санъат байрамида Осиё, Европа, Австралия, Африка ва Жанубий Америка давлатларининг дастлабки босқичларда муваффақиятга эришган ёш опера ижрочилари иштирок этади. Қатнашчилар қадимдан XX асргача бўлган опера санъати асарларини фақат итальян тилида ижро этишади. Уларнинг чиқишларини эса дунёнинг машҳур опера театри раҳбарлари ва опера ижрочиларидан иборат халқаро ҳайъат аъзолари баҳолаб боради.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

# Экоҳаракат конференциялари давом этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яна шуни алоҳида қайд этишни истардимки, Экоҳаракат фаоллари орасида ёшлар томонидан қатор ташаббуслар кўрсатилаётгани навқирон авлод вакиллари она-Ватанининг бугуни ва эртасига бефарқ эмаслиги, уларда ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси юксалиб бораётганини кўрсатади.

Экоҳаракатнинг Сирдарё вилояти ҳудудий бўлинмаси конференциясида 491 нафар фаол қатнашди. Унда яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон экологик ҳаракати республика конференциясига делегатлар сайланди.

— Жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтириш, ёш авлодни баркамол вояга етказиш, болалар спортини оммалаштириш, аҳоли, жумладан, ўғил-қизларда экологик ва тиббий маданиятни ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир, — деди Гулистон шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Адҳам Саманов. — Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мазкур масалаларга устувор аҳамият қаратиб келинаётир. Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш давр талабидир. Шу маънода, Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари ана шу эзгу ишларда янада фаол бўлиши керак. Бинобарин, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига соҳани муфассал биладиган, тегишли қонунчилик асосларидан тўлиқ хабардор, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил тадбирларида фаол бўладиган номзодлар депутатликка сайланиши жуда муҳимдир.

Экоҳаракатнинг Жиззах вилояти ҳудудий бўлинмаси конференциясида 450 нафардан зиёд фаол қатнашди. Унда Орол денгизи ҳавзасидаги вазият билан боғлиқ муаммолар, минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига доир видеофильм намойиш этилди. Амалдаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилган йиғилишда Экоҳаракатнинг республика конференциясига энг муносиб делегатлар сайланди.

— Инсон саломатлиги, мусаффо ҳаво, экологик барқарорлик — мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг пировард мақсадидир, — деди Зомин тумани тиббиёт бирлашмаси ташкилий-услубий бўлим мудири Муқаддас Ўразалиева. — Ўзбекистон экологик ҳаракати ва унинг жойлардаги, жумладан, Жиззах вилояти бўлинмаси ҳам ана шу эзгу ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шулар қаторида ҳудуднинг экотуризм соҳасидаги салоҳиятини янада юзага чиқариш диққат-эътиборимизда турибди. Экоҳаракатнинг Республика конференциясига сайланган ҳар бир вакил зиммасидаги улкан масъулият залворини чин юракдан ҳис этиши керак.

— Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳудудий бўлинмаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш ҳудудий бўлинмалар олий органи — Конференция томонидан амалга оширилади, — деди Марказий сайлов комиссияси аъзоси Э. Ражабов. — Айни пайтда ҳудудлардан Ўзбекистон экологик ҳаракати Республика конференциясига делегатлар яширин овоз бериш йўли билан сайланмоқда. Мазкур жараён қонунчилик меъёрлари, Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга қатъий амал қилган ҳолда, шаффофлик, ошкоралик принципларига мувофиқ ўтказилаяпти. Холисликни таъминлаш мақсадида уларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, ОАВ ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Республика конференциясига делегатлар сайлаш конференциялари бошқа вилоятларда ҳам давом этмоқда.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳамкорлик истиқболларига бағишланди

*Кеча пойтахтимизда Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг йигирма биринчи мажлиси бўлиб ўтди.*

## ТАДБИР

Тадбирда ҳар икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, инвестиция, фармацевтика, фан-таълим каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари қатнашди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон ва Буюк Британия ҳамкорлиги барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Давлатларимиз ўртасида имзоланган икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш, инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда ўзаро ҳимоялаш, иқтисодиёт, таълим, илм-фан, ҳаво транспорти алоқаси ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка оид битимлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Бугунги кунда Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги энг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Жорий йилнинг тўққиз ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2013 йилдагига нисбатан 14 фоиз ошгани ана шундан далолат беради.

Айни пайтда юртимизда Буюк Британия капитали иштирокида тузилган 504 та корхона фаолият юритаётган бўлса, шундан 142 таси тўлиқ британиялик ишбилармонлар сармояси асосида ташкил этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ушбу мамлакатнинг озиқ-овқат, кимё, тоғ-кон, фармацевтика, тўқимачилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослаштирилган 78 та фирма ва компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши мажлислари ҳар икки давлат пойтахтида 1994 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади. Масалан, кенгашнинг 2013 йил ноябрь ойида Лондонда ташкил этилган йигирманчи мажлисида юздан зиёд компаниялар, вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари вакиллари қатнашди.

Навбатдаги анжуманда меҳмонлар юртимизда, хусусан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарида яратилган шарт-шароит ҳамда инвестициявий иқлим ҳақида атрофлича таништирилди. Шунингдек, келгусида рўёбга чиқарилиши режалаштирилаётган лойиҳалар хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Тошкент шаҳрида “Табиий ва синтетик полимерлар асосидаги нанополимер тизимлар: синтези, структураси, хоссалари” мавзуига бағишланган халқаро анжуман ўз ишини бошлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Сайёҳлар оқимининг сусайиши ва ҳосил йиғиш мавсумининг тугаши билан Испанияда ишсизлик даражаси яна ошди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

## Яна бандлик муаммоси

Мамлакат бандлик вазирлиги маълумотларига қараганда, октябрь ойида меҳнат биржаларига 79 минг киши мурожаат қилган. Натижада Испаниядаги жами ишсизлар сони 4,53 миллион нафарга етган. Олдинроқ мамлакат миллий статистика қўмитаси сентябрь ойи охирида бу ерда меҳнат билан банд бўлмаганлар сафи 5,4 миллион кишига камайганини билдирган эди.

Ушбу кўрсаткичларга қарамай, Испания иқтисодиёти ўтган чоракда рецессиядан чиқди ва ўсиш 0,5 фоизни ташкил қилди.

## Фавқулодда қўндирилди

*Италиянинг маҳаллий "Mistral Air" авиакомпаниясига қарашли "ATR 72" русумли йўловчи самолёти Рим шаҳридаги аэропортга фавқулодда қўндирилди.*



Бунга парвоз вақтида ҳаво кемасини яшин ургани сабаб бўлган. Натижада унинг битта двигатели ишламай қолган. Жабрланганлар йўқ. Самолёт Анкона шаҳридан учиб келаётган пайтда табиат ҳодисасига йўлиққан.

Шу кунларда Италия пойтахтида кучли ёмғир ёғиши кутилаётгани боис барча бу ҳақда олдиндан огоҳлантирилган. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳудуддаги таълим муассасалари ва диққатга сазовор жойлар вақтинча ёпиб қўйилди.

## Қарзини қайтаришга эришди

*Жорий йилнинг учинчи чорагида Нидерландиянинг "ING Groep NV" молия муассасаси 928 миллион евро миқдорида соф фойда олишга муваффақ бўлди.*




Бу борадаги ўсиш суръати 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан етти баробардан зиёдроқни ташкил қилди. Манбада айтилишича, "ING Groep NV" бундан олти йил муқаддам, яъни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози айни авжига чиққан пайтда давлатдан олган кредитини ҳам муддатидан аввал тўлиқ қайтаришга эришган.

Молия муассасасининг йил якунлари бўйича натижалари ҳам ижобий бўлиши кутилмоқда.

## Пингвин пингвинларни ўрганади

*Франциянинг Страсбург университети олимлари робот-пингвин яратишди.*



Ушбу технологиядан Антарктидадаги император пингвинлари ҳаётини ўрганиш мақсадида фойдаланилади. Ғоя муаллифларидан бири Ивона Ле Махонинг айтишича, бу турдаги пингвинлар ҳаёти ҳақида маълумотларни қўлга киритиш жуда қийин. Чунки улар ўта ҳуркак бўлади ва кимдир яқинлашиши билан ўзини сувга ташлайди. Бундай ҳолатда эса бирон бир натижага эришиш мушкул. Шу боис улар орасида юра оладиган робот яратиш фикри туғилган.

Эътиборлиси, робот дастлабки синовдан яхши ўтган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


***ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!***

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**сизларни 2014 йил 25, 27 ноябрь ва 2, 4 декабрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф этади.**

**Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қайта қўйилади:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «Kinder fruits» МЧЖ | Тошкент вил., Янгийўл тумани, Янгийўл ш., Самарқанд к., 57-уй | Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ҳамда концентратланган пюре ишлаб чиқариш | 16 450 897 500,0 | 7 269 733,26 |
| 2. | «Farg'ona kimyo zavodi» МЧЖ | Фарғона вил., Фарғона ш., Тарона (собиқ Нозим Ҳикмат) к., 15-уй | Пахта целлюлозаси ва техник этил спирти ишлаб чиқариш | 59 142 493 600,0 | 28 997 104,14 |
| 3. | «Namangan qog'ozi» МЧЖ | Наманган вил., Наманган ш., Қурувчилар к., 50-уй | Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш | 3 970 500 000,0 | 1 802 969,76 |
| 4. | «Nukus agro» МЧЖ | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули | Томат пастасини ишлаб чиқариш | 1 785 453 700,0 | 853 018,82 |
| 5. | «Asaka mak» МЧЖ | Андижон вил., Асака ш., Саноатчи (собиқ Т. Алиева) к., 5-уй | Макарон ишлаб чиқариш | 3 546 012 000,0 | 1 610 213,42 |
| 6. | «Vodiy muzqaymog'i» МЧЖ | Андижон вил., Андижон ш., Университет к., 5-уй | Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1 064 409 000,0 | 521 871,45 |
| 7. | «Kosonsoy to'qimachi» МЧЖ | Наманган вил., Косонсой ш., Истамбул к. | Трикотаж ипи, жунли ва яримжунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш | 24 500 000 000,0 | 11 125 238,40 |
| 8. | «Nam tex» МЧЖ | Наманган вил., Наманган ш., Уйчи к., 94-«Б» уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 787 016 789,82 | 4 898 291,16 |
| 9. | «Namangan to'qimachi» МЧЖ | Наманган вил., Наманган ш., 4-кичик туман, Тўқимачилар к. | Калава ип ишлаб чиқариш | 62 941 505 000,0 | 28 228 561,11 |

**Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:**

Савдо ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунгача объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, савдони ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари;
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган улушлар бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (0-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (0-371) 233-02-49. Тел./факс: 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

1769R/40

*Гувоҳнома № 005357.*



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Тошкент минтақавий филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 9 декабрдаги 11-1132/9222-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Элус» ИИЧКга тегишли, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Рамазон кўчаси, 109-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 5,53 гектар, қурилиш ости майдони 16235,29 кв.м. бўлган илмий-ишлаб чиқариш корхонаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 4 942 035 229 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 7 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк объекти билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz**

1775R/1453

Хизматлар лицензияланган.

Мазкур эълон «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 25 октябрдаги 207 (6137)-сонида ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2014 йил 25 октябрдаги 86 (12722)-сонида чоп этилган.



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Сайхунобод тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 28 августдаги 12-1206/13082(27.1)-сонли, 2012 йил 4 октябрдаги 12-1212/12667-сонли, 2013 йил 11 мартдаги 12-1306/1669(30)-сонли ва 2013 йил 15 апрелдаги 12-1306/2060-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Темир йўл кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 874,61 кв.м. бўлган 0032-литердаги гуруч заводи биноси ва 0033-литердаги макарон цехи бинолари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 932 198 797 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Маърифат маҳалласида жойлашган, майдони 268,0 кв.м.дан иборат 0002-литердаги савдо маркази ва майдони 192,0 кв.м.дан иборат 0003-литердаги савдо маркази арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 220 141 557 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Маърифат маҳалласида жойлашган, майдони 268,0 кв.м.дан иборат 0001-литердаги савдо маркази, майдони 375,0 кв.м.дан иборат 0004-литердаги ертўла ва майдони 82,20 кв.м.дан иборат 0005-литердаги нoввойхона бинолари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 246 069 613 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани судининг 2013 йил 12 апрелдаги 1-110/13-сонли ажримига асосан хатланган, Гулистон тумани, Мирзо Улуғбек номидаги СИУ ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 973,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 889,0 кв.м., умумий ер майдони 2205,0 кв.м. бўлган чойхона-тўйхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 234 651 139 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, Бизнес маркази биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 21 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман, шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (АЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Тел.: (0-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz**

1772R/1453

Хизматлар лицензияланган.



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Бухоро вилояти СИБ томонидан, ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2014 йил 22 майдаги 2-26-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Ромитан тумани, «Шурча» ҚФЙ, Хўжазафарон қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3000,0 кв.м. бўлган, «Абдуманнон» ХФга қарашли 18-сонли АЁҚШ қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 446 194 213 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 25 ноябрь куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Тел.: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

1773R/1453

Хизматлар лицензияланган.



# «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига АЖ «Uzbek Leasing International A.O.» ҚҚнинг 2014 йил 4 ноябрдаги UL/1240/005-сонли буюртма хатига асосан хатланган, корхонага тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «Нексия» русумли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/697 WAA бўлган автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 22 945 000 сўм.***

**2.** «Нексия» русумли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/696 WAA бўлган автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 24 025 000 сўм.***

**3.** «Тойота Камри» русумли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/077 CBA бўлган автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 37 615 000 сўм.***

**4.** «Лада-111194-14-30» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/865 DAA бўлган автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 19 025 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да бошланади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 5 декабрь куни соат 18.00.

Автотранспорт воситаси 9 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2014 йил 15 ва 22 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш — 2014 йил 15 декабрдаги савдо учун 12 декабрь, 22 декабрдаги савдо учун 19 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 15 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: (0-371) 228-79-52.**

Гувоҳнома № 006231.

1774R/1452



**ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT"**

**МАТЕРИАЛ РУЛОННЫЙ КРОВЕЛЬНЫЙ И ГИДРОИЗОЛЯЦИОННЫЙ**

**NURIZOL NURFLEX**

**Фольгоизол предназначен:**
- для покрытия кровли
- для создания новой и ремонта старой кровли зданий
- для гидроизоляции стен и фундамента
- для гидроизоляции бассейнов, тоннелей, мостов и других сооружений

**Эксплуатационные качества, подходящие для любых климатических условий:**
- влагоустойчивость
- долговечность
- высокие изолирующие свойства

***Услуги по укладке мягкой кровли***




**Тел.: (+99890) 175-65-00, (+99890) 982-75-96; f.kafolat_ok@mail.ru; nurizol.uz**

1770R/198


Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби раҳбарияти ҳамда жамоат ташкилотлари махсус фанлар бўлими бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қаҳҳоровга волидаи муҳтарамаси

**БАХТИХОН**

**аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Китоб туманидаги "Vijit impeks" фермер хўжалиги жамоаси жорий мавсумда Жанубий кореялик буюртмачиларга 4 тонна анор етказиб берди.

# «Соғлом бола йили» Давлат дастури Хитойда тақдим этилди

*Яқинда Хитойнинг Чжоушань шаҳрида “Соғлом бола йили” Давлат дастури тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консуллиги томонидан ташкил этилди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Хитой Халқ Республикаси ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари иштирокида ўтган мазкур маросимда “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, унинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнлари ҳамда эришилган натижаларга оид маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Хусусан, ҳукуматимиз томонидан ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Шу ўринда “Соғлом бола йили” Давлат дастури юртимизда болаларнинг дунёга келиши, тарбияланиши ва таълим олишини, оилаларда соғлом муҳитни қўллаб-қувватлашгача бўлган мажмуавий чора-тадбирларни қамраб олгани ҳам қайд этиб ўтилди.

Маълумки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ушбу мақсадларга эришишда кенг қамровли ишлар амалга оширилди, бутун мамлакат бўйлаб аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор дастурлар, шу жумладан, “Соғлом она — соғлом бола” дастури ҳаётга татбиқ этилди.

Ихтисослаштирилган тиббий марказлар, бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғи, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилганлиги ва оилавий тиббиёт тамойилига ўтилганлиги боис аҳоли, энг аввало, қишлоқларда истиқомат қилувчи болалар ҳамда аёлларнинг малакали тиббий ёрдам олишлари учун кенг имкониятлар яратилганлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, республикамиз даволаш-профилактика муассасаларини модернизациялаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун сўнгги 10 йил мобайнида 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилган. Ушбу эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 маротаба, болалар ўлими эса 3,2 маротаба қисқарди. “Save the Children” халқаро ташкилоти томонидан тузилган рейтингга кўра, Ўзбекистон болалар саломатлигига алоҳида ғамхўрлик кўрсатадиган 10 мамлакат сафидан жой олгани бежиз эмас.

**Чжоушань шаҳар ҳукумати ҳузуридаги ташқи ишлар департаменти паспорт-виза бўлими директори Нинбо Ма Сулан** Ўзбекистон раҳбарияти томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга юксак баҳо берди.

— Қисқа даврда мамлакат тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасида диққатга сазовор муваффақиятлар қўлга киритилди, — деди у. — Бунга кўп жиҳатдан кучли ижтимоий сиёсат ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза этишга доимий ғамхўрлик кўрсатилаётгани туфайли эришилди. 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилинганлиги ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Умуман, Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатида алоҳида эътирофга молик жиҳатлар кўп. Оилавий қадриятларни авайлаб асраш, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

**«Жаҳон АА».**
Шанхай

# Баскетболчи қизлар мусобақаси

*Наманган шаҳрида 1998/1999 йилларда туғилган қизлар ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилди.*

СПОРТ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бир қатор вилоятлар жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борди.



Муросасиз баҳслар якунига кўра, қорақалпоғистонлик баскетболчи қизлар рақибларини мағлубиятга учратиб, чемпионликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Тошкент шаҳри ҳамда Наманган вилояти жамоаларига насиб этди.

Чемпионат ғолибларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҒАМХЎРЛИК

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ўқувчи-ёшларни юртимизнинг қадимий шаҳарлари тарихи билан яқиндан таништириш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 50 нафарининг қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳатини ташкил этди.

# Эзгу ташаббус

Тадбир давомида болажонлар кўҳна шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлдилар.

Эътиборли томони шундаки, фонд ташаббуси билан йил бошидан буён кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг Бухоро, Хива, Марғилон, Шаҳрисабз сингари бир қатор тарихий шаҳарларга саёҳати уюштирилиб, улар юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

**Аббос ЭРГАШЕВ.**

# Бебаҳо мерос эъзози

*Инсоният тамаддуни, илм-фан ва маданият равнақига бениҳоя катта ҳисса қўшган буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино мероси ҳали ҳам кўплаб халқаро тадқиқот институтлари томонидан ўрганилмоқда. Унинг тиббиёт, фалсафа, физика, мусиқа, адабиёт, мантиқ, психология каби фанлар ривожига оид асарлари барчанинг ҳайрати ва эътирофига сазовор бўлиб келаяпти.*

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов шу йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференцияда “Ислом оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири” деган унвонга сазовор бўлган бобокалонимизнинг ҳаёти ҳамда фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотишини мамнуният билан таъкидлади. Айни пайтда алломага жаҳоннинг бир қатор шаҳарларида ҳайкаллар ўрнатилгани, унинг номи билан аталувчи бир неча ўқув юртлари фаолият кўрсатаётгани, ўнлаб асарлари турли тилларга таржима қилингани бунинг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, замондошлари томонидан “Шайх ур-раис”, яъни “Донишмандлар сардори” дея таъриф этилган буюк аждодимизнинг ноёб қўлёзмалари ҳозир кўплаб мамлакатлардаги турли илмий муассасалар ҳамда музейларда сақланмоқда. Чунончи, улуғ аждодимизнинг “Тиб қонунлари” деб аталган бебаҳо фундаментал асари кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди. Амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим методологиясига асос солди. Шу боис бу асар Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Ғарбдаги етакчи университетларда тиббиёт илми қарийб 500 йил давомида айни шу китоб асосида ўқитиб келинган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳам буюк мутафаккирнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятини тўла тадқиқ этиш, унинг асарларидаги эзгу ғояларни ёш авлод онгига сингдириш, уларни бой тарихимизга эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бухорода Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ибн Сино жамоат фонди ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган “Ибн Синонинг илмий-маънавий мероси — башарият учун бебаҳо хазина” мавзуидаги илмий-амалий анжуманда ана шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда юртимиз олим ва тадқиқотчилари томонидан бобокалонимиз маънавий меросининг ўрганилмаган қирраларига оид маърузалар қилинди. Улуғ юртдошимиз таълимотининг ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтиришдаги аҳамияти нечоғли юксаклиги айтиб ўтилди.

Конференция иштирокчилари Абу Али ибн Сино номи билан аталувчи фавворалар хиёбони очилишида қатнашди. Аллома таваллуд топган Пешку тумани Афшона қишлоғидаги тиббиёт касб-ҳунар коллежида яратилган шароитлар ҳамда бобокалонимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи музей билан танишди.

Конференцияда Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсонов сўзга чиқди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Маданият хабарлари



***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида “Олтин куз” номли кўргазма очилди.***

# Олтин куз манзаралари

Соғлом бола йилига бағишланган ушбу кўргазмада қорақалпоғистонлик йигирмага яқин рассомнинг саксондан зиёд мойбўёқ, графика, сопол, ҳайкалтарошлик, ҳунармандликка оид асарлари намойиш этилмоқда. Хусусан, таниқли ижодкорлар Ж. Лепесов, Б. Серекеев, А. Ражапов, С. Бойбўсинов, С. Қутлимуратовнинг олтин фаслнинг рангин жилолари акс этган ёркин тасвирлари билан бир қаторда, ёш мусаввирлар С. Бекбаулиевнинг “Кунгабоқар”, “Куз”, С. Бобожоновнинг “Этюд”, Ж. Тўрежоновнинг “Гуллар” сингари суратлари томошабинларга манзур бўлмоқда.

Шунингдек, кўргазмада Д. Тажимуратов ижодига мансуб сопол композициялар, Г. Ембергенованинг миллий ҳунармандчиликка доир буюмлари билан ҳам танишиш мумкин.

**Гулжаҳон СЕЙТНАЗАРОВА.**

# Сомондан миниатюра асари

***Жиззах вилоятидаги Зарбдор иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Сарвиноз Мусурмонова сомон поясидан ҳар қандай санъат галереясини безай оладиган ажойиб миниатюра асарларини яратмоқда.***

— Ҳозиргача 100 га яқин ана шундай миниатюраларни ишладим, — дейди Сарвиноз. — Бунинг учун, аввало, сомон поясини сувда ивитиб, кейин дазмол ёрдамида текислаб оламан ва мато устига турли тасвирлар тушираман.

Миниатюра санъатининг ёш устаси асарлари ҳозирданоқ муносиб эътирофга сазовор бўлмоқда. Сарвиноз “Ишбилармон талаба — 2014” республика кўрик-танловида ғолиб деб топилди. Шунингдек, “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” танловида ҳам совриндорлар сафидан ўрин эгаллаб, банкнинг имтиёзли кредитини қўлга киритди. Эндиликда у мазкур маблағ эвазига ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР •

ЎЗБЕКИСТОН ВРАЧЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

мамлакатимиздаги барча шифокорларни яқинлашиб келаётган касб байрами —

*Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари куни*

билан самимий муборакбод этади!

*Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ҳамда инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек машаққатли ва шарафли ишларида улкан омадлар тилайди!*



1771R/885

VEGA ERP
Корхонани бошқаришни автоматлаштириш

VEGA
ERP система

Корхонани бошқаришнинг самарали воситаси

Омбордаги захираларни бошқариш
Ишлаб чиқаришни бошқариш
Маблағларни режалаштириш
Ходимлар менежменти
Корхонанинг ҳисоботи

www.vega.uz

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган © 2014 “VEGA”

Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65.
Факс: (+998 71) 267-71-90.
e-mail: info@vega.uz
web: www.vega.uz

1505R/751

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

AL-RAMI







*Евроуслубда ишлаб чиқариладиган симли девор панжаралари ҳамда йўлларда ва бетон ичида ишлатиладиган ВР-1 маркали симдан сеткалар ишлаб чиқарамиз.*
*Буюртмачи ихтиёрига кўра, ҳар хил ўлчамли симлардан сеткалар тайёрланади.*
*Тел.: (0-371) 187-44-65. Факс: (0-371) 295-45-09.*
*E-mail: al-rami@inbox.ru*
Гувохнома №4486
1778R/1104

WWW.XS.UZ

Ўзбек миллий санъати анъаналарини тарғиб қилиш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказишга қаратилган “Созлар навоси” республика танловининг туман ва шаҳар босқичлари бошланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 783 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5